

УМАРХОН АҲМАД МАЛҲАМИЙ

ПОДАГРА КАСАЛЛИГИДА  
ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН  
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

МАЖБУРИЙ  
НУСХА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2013

УУК: 615.89

КБК: 42.143

53.59

M-21

Малҳамий, Умархон Аҳмад

Подагра касаллигида қўлланиладиган доривор ўсимликлар / Умархон Аҳмад Малҳамий. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 36 б.

ISBN 978-9943-27-134-0

Ушбу рисолада подагра касалини даволашда ишлатиладиган доривор ўсимликлар, уларнинг қайси худудларда ўсиши, йиғиш усуллари ва муддати, кимёвий таркиби, қайси қисми айнан шу дардга шифо баринлаши ёритилган. Доривор ўсимлик йифмаларидан дамлама, қайнатма ва малҳамларни тайёрлап ҳам уй шароитида фойдаланиш усуллари баён этилади. Рисола шифобахш ўсимликларни тайёрловчиларга, ўқув юрти талабаларига, шифокорларга, дорихона хизматчиларига ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УУК: 615.89


КБК: 42.143

53.59

1041609  
081

Тақризчи:

Ш.В. АБДУЛЛАЕВ,  
кимё фанлари доктори, профессор



С Умархон Аҳмад Малҳамий, «Подагра касаллигида қўлланиладиган доривор ўсимликлар». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## КИРИШ

Ўтмишимиzinинг зукко олимлари Ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий, Беруний каби алломаларимиз бемор касаллигини аниқлаб, доривор ўсимликлар билан даволаб келгандар. Орадан кўп асрлар ўтганига қарамай, айнан ўша олимларимизning ташхис ва тавсиялари бугунгача ўз қийматини йўқотмаган. Оғиздан-оғизга кўчиб келаётган тиб ўгитлари жалқимиз амалиётида бундан кейин ҳам қўлманилишига аминмиз. Зоро, бугунги кун тиббиёти қанчалик ривожланмасин, халқ табобати ҳеч қачон ўлмайдиган синоатдир.

Айтиш жоизки, кимёвий усулда олинадиган дори воситаларининг асоси ҳам табиий гиёҳлар. Табиат бизга, айниқса, юртимиз заминида шунчалик бебаҳо ўсимликларни раво кўрган экан, улардан оқилона фойдаланишимиз, йўқ бўлиб кетишидан асрashимиз лозим. Унутмаслигимиз лозимки, тупроқ жуда катта бойлик манбаи. Тупроқда яралган ҳеч бир неъмат инсонга наф келтирмай қолмайди. Талаб этиладигани, биргина жиҳат, яъни тўғри фойдаланиш. Билим, изланиш, тўғри тарғибот инсонни тараққиётга элтади. Мақсадимиз, билгандаримиз билан ўртоқлашиш, тавсияларимизни етказиш, шу орқали кимнингдир дардига шифо бўлиш. Подагрининг бизга маълум, табиатга дахлдор жиҳатлари билан ўртоқлашишдан мамнунмиз.

Рисолада ҳозирда кўп учраётган подагра касаллигига шифо бағищловчи Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг тарқалган жойлари, ўсимликларнинг бўйи, пояси, илдизи, гуллаш даври, гули, ишлатадиган қисми, уларнинг кимёвий таркиби, қайси дардларга қайси ҳолда (дамлама, қайнатма, таб-

летка, порошок, аралашма ёки бошқа моддалар таъсири, малҳам, қуритилган, қуритилмаган ҳолда) ва ҳоказолар ҳақида атрофлича маълумотлар берилиди. Шунинг баробарида гиёҳларнинг илмий тиббиётда ва халқ табобатида қайси вақтда ишлатилиши айтилади. Доривор ўсимлик йигмаларидан дамлама, қайнатма ва малҳамларни тайёрлаш ҳам уй шароитида фойдаланиш усуллари баён этилади.

Ўсимликлардан тайёрланган қайнатма, дамламалар ўз таркибида биологик фаол моддалар сақлагани учун улар ҳар томонлама шифобахш таъсир этади. Микробларга, ялигланишига қарши таъсир этишида мақсадга тез эришилади. Юқоридаги фикрларни ҳамда аҳоли ўртасида подагра касаллигини тез-тез учраб турғанлигини ҳисобга олдик. Организмнинг умумий касалликлари асаб, юрак, жигар, буйрак мебда (ошқозон) туфайли ва инсоннинг кундалик овқатланиш жараёни тартибидан келиб чиқади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, подагра дардини даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланилса айни муддао бўлади.

Бундан аввалги ва навбатдаги рисолаларимизнинг барчасида мақсадимиз муштарак. Халқимиз саломатлиги юртимиз бойлигидир. Табиий тиббиёт, яъни табобат танимизга қувват бағишлисин.

## ДАРДИНГИЗГА ШИФО БҮЛАДИ

Дард борки – давоси бор, деган нақл бор халқимизда. Бу давонинг сабаби эса баъзида ўзимиз ва ҳаракатимизга боғлиқ бўлади. Рисола аввалида берадётган ушбу тавсияларимиз эса ҳадисларга асосланади. Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан<sup>1</sup> келтирилган мазкур тиббий маслаҳатлар, умид қиласмилини, ўринли ишлатилган ҳолда дардимизга шифо бўлади.

1. Умматларим учун энг қўрқсан жиҳатларим, қорин солиб семириш, серуйкулик, дангасалик ва суст эътиқодда бўлишдир.

2. Зайтун билан бўянинг, ёфини ўзингизга суртинг, чунки у муборак дараҳтдан чиқади.

3. Хина билан бўянинг, чунки у ёшларингизни, хуснингизни ва жинсий қувватни зиёда қиласди.

4. Қайси бирларингга райҳон тақдим этилса, уни қайтарманг, чунки у жаннатдан чиққандир.

5. Кўзингизга сурма мой қўйинг, чунки у кўзга жило беради ва киприкни ўстиради.

6. Укроп ейиш йўғон ичак касали қўланждан сақлайди.

Юқорида «Тиббий Набий» («Пайрамбар табобати») номли рисоладан мисоллар келтирдик.

Ушбу ҳадислар асосида Абу Али ибн Сино зайтун бобида бундай дейди: «Зайтун ёфининг эскисини кўз хидаланишига қарши суртма қилинг. Қуйқаси кўз хидаланишига қарши суртма қилинади. Қуйқаси кўз дорилари таркибига киради. Япрогининг куйдирилгани кўз касалликларида тўтиё ўрнида ўтади. Елими кўзга тушган парда, оқ ва мугуз қатламишининг дағалланишига қарши, япрогининг шираси кўз ғўлагининг иргиб чиқишига, кўзнинг мугуз пардаси яраларига

<sup>1</sup> “Шарқ табобати”. Т.: “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1994 й. Нашрга тайёрловчи: Ҳамидулла Ҳикматуллаев.

ва кўзга тушадиган назлаларга қарши ишлатилади. Кўз учун бор зайдуни ёввойи зайдундан яхшидир. Кўзни яралар чиркини кетказади, кўзга тушган сув (катаракта), оқни кетказади».

Ибн Сино дейди: «Укроп ичак оғриқларига фойда. Укроп ҳуқна қилинса, ичак оғриқларини ва эрлик уруғини кесади, унинг уруғи эса чиқиб турган бавосирни қайтаради, кули орқа тешик ва эрлик олатининг яралари учун яхшидир». Ҳозирда дамламаси натрий бромид билан биргаликда қон босимнинг иккинчи босқичи (гипертония)га шифодир.

## ПОДАГРА КАСАЛЛИГИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ЫСИМЛИКЛАР

**АРПА** – бир йиллик ҳамда күп йиллик дон үсимлиқ. Үттизга яқин тури маълум бўлиб, баҳордагиси экилгандан сўнг 80-110 кунда, куздагиси 180-250 кунда пишади. Дони таркибида крахмал 45-67 фоиз, оқсил 7,2 фоиз, сахароза 1-72 фоиз, мой 2,3 фоиз, клетчатка 3- 57 фоиз бўлиб, бошқа моддалар ҳам бор. Ўзбекистонда арпанинг Унумли, Қарши, Ташкаллак навлари ўстирилиб, иқлим ва шарситига қараб, гектаридан 10-60 центнер ҳосил олинади. Подаграга даво қилиш учун беҳи ва сирка қўшиб боғлаб, чиқиндиларнинг бўғинлардан оқишини тўхтатишида, арпабодиён билан ичилади. Сутни кўпайтиради. Пиширилган талқони ични қотиради. Ҳалими ични юриштиради. Пишган ярага, қўтирга боғлаб даволанади.



**ЕВВОЙИ ПИЁЗ** – пиёздопшлар оиласидан бўлган күп йиллик үсимлиқ. Поясининг узунлиги 30-100 см. Барглари қамишсизмон, эни 20 мм атрофидаги ғадир будир, кўк ранги, соябони ярим думалоқ, кўпгулли. У Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида тоғолди қисмидаги соз тупроқли ерларида ўсади.



Таркибида ҳар хил органик моддалар, минерал тузлар, фитонцидлар, витамин С бўлади. Офтобда юз-

даги сепкилга, яралардан қолган дөфга суртилса, изларини ҳам қолдирмайды. Мушаклар лат еганида сирка қўшиб тайёrlанган суртмаси малҳам бўлади. Бўғинлар оғриғига ва подаграда суркалса яхши наф беради. Бошдаги кепакка ва яралар ёрилганига тухум сарифига аралаштириб ҳамда тухум сарифи билан кўз қонталашига суркалади. Қизил ширин турини асал билан меъда оғрифида қорин атрофига суртилади. Аччиқ хили таом ҳазмини яхшилайди.

**ЕРҚАЛАМПИР** (Хрен обыкновенный – *Armoracia rusticana*) – зиравор ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади. Бўйи 1,5 метргача етади. Пояси шохланган, узун ва йўғон илдизли кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдизолди барглари жуда йирик, узун бандли, чўзиқ эллипссимон, тўмтоқ тиҳсимон қиррали, поядаги барглари патсимон қирқилган ёки чўзиқ ланцетсимон бўлиб, бандсиз, пояга кетма-кет ўрнашган. Майда, оқ рангли гуллари поя ва шохлари учидаги шингилга тўпланган. Меваси – қўзоқча. Июнь ойидан бошлаб гуллаб, июлдан бошлаб етилади. Илдизи таркибида синигрин гликозиди, витамин С, қандлар, азотли бирикмалар, фитонцидлар, лизоцим, мирозин ферменти, минерал ва бошқа моддалар бор. Синигрин гликозиди мирозин таъсирида парчаланиб, ўзидан аллил-антал эфир мойи ажратади. Бу эфир мойи ўзига хос аччиқ таъм, ўткир ҳид, қитиқловчи таъсирга эга. Илдизи иштача очиб, меъда-ичак ишини яхшилайди. Ерқалампир илдизини майдалаб, эзиз олинган илдиз ширасидан тайёrlанган дамламаси меъда шираси кислотасини меъёрлаб (гастритда) иштача очишда кўлланади. Илдиз препарати билан халқ табобатида истисқо, буйрак-тош касалликларида ҳамда бод, сийдик ҳайдовчи ҳамда подаграда тавсия этилади. Сувда суюлтирилган илдиз шираси билан оғиз, шиллиқ пардаси яллиғланганда, гингвитда оғиз ва томоқ чайилади. Радикулит, невралгия, миозит (эт шамол-

лаши) дардларида майдалаб эзилган илдизи билан тананинг оғриган ерига силанади. Илмий тиббиётда илдизи ва ундан олиб тайёрланган суртмаси микробларни ўлдиради ҳамда яраларни (йирингли яраларни ҳам) даволайди.

**ЛИМОН** (*Citrus limon*) – ўсимликнинг ватани Тинч океанинг тропик оромлари. У лимон олиш учун ҳам ўстирилади. Бўйи 2,5-4 метргача етадиган яшил доимий дарахт. Барги чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, ялтироқ, майда, тишсимон қиррали бўлиб, пояда қисқа банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, хушбўй ҳидли, якка, гоҳо 2-3та бўлиб, барг кўлатифида жойлашган. Меваси – чўзиқ, тухумсимон, сариқ рангли, мазаси ниҳоятда нордон кўп уруғли ҳўл мева. Лимон меваси таркибида органик кислоталар (кўп миқдорда лимон кислота ва бошқалар), эфир мойи, флавоноидлар, кумаринлар, пектин моддалар, фитонциidlар, қандлар, витамин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, каротин бор. Мевасининг пўсти эфир мойига бой бўлади. Юмшоқ қисмидан лимон кислота олинади. Баргидан ҳам юқоридаги моддаларни барчаси бўлади.

Халқ табобатида меваси баргидан тайёрланган дамлама қон босимини пасайтиради ҳамда цинга, бавосил, истисқо, сариқ, сийдик йўллари-тош касалмиклари, ўпка сили, бод, радикулит, авитаминоз, подагра касалликларини даволашда, авитаминозни оддини олишда кўлланади. Илмий тиббиётда витаминалар этишмаслигидан келиб чиқсан авитаминозда, меваси ва лимон кислотаси танада кислота этишмагандан, эфир мойи, дорилар ҳиди ва мазасини яхшилашда ишлатилади.





**МАЖНУНТОЛ** – Толдош оиласидан. Бўйи 8-10 метргача. Пояси тик, новдалари туксиз, ялтироқ узун ингичка, эгилиб усади. Барги оддий, наштарсимон, пояда кетма-кет жойлашган. Март-апрел ойларида гуллайди.

Уруғи тукли. Елими тилиб олинади. Ёғочининг кули, сирка билан қўйилса, сўгал қурийди. Қайнатилган пўстлоқ подаграга шифо, қазғоқни йўқотади. Елими, гули кўз хиравини – ошига даво.



**МИНГДЕВОНА** (Белена чёрная – *Hyoscyamus niger*) – бўйи 50-150 см гача. Икки йиллик сертук, ёқимсиз ҳидли ўт ўсимлик. Шайтонкоса деб ҳам аташади. Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоқ ҳудудларида ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, экин экilmай қолган ерларда, ўтлоқларда бегона ўт сифатида экинзорларда ўсади. Биринчи йили фақат илдизолди тўпбаргларини ҳосил қиласди. Илдизолди барглари банди чўзиқ тухумсимон, чуқурпатсимон бўлакли. Иккинчи йили поя ўсиб чиқади. Пояси шохланган бўлади. Поясидаги барглар илдизолди баргларига нисбатан юмалоқроқ, майдароқ, умумий кўриниши, тухумсимон. Поясининг пастки қисми барглари 5-7, ўрта қисмлари 3 бўлакли, юқори қисмидагилари 1-2та йирик тиҳсимон қиррали бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Барглари безли туклар билан қопланган. Шунинг учун юмшоқ, ёпишқоқ бўлади. Хира сариқ рангли гуллари

ларини ҳосил қиласди. Илдизолди барглари банди чўзиқ тухумсимон, чуқурпатсимон бўлакли. Иккинчи йили поя ўсиб чиқади. Пояси шохланган бўлади. Поясидаги барглар илдизолди баргларига нисбатан юмалоқроқ, майдароқ, умумий кўриниши, тухумсимон. Поясининг пастки қисми барглари 5-7, ўрта қисмлари 3 бўлакли, юқори қисмидагилари 1-2та йирик тиҳсимон қиррали бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Барглари безли туклар билан қопланган. Шунинг учун юмшоқ, ёпишқоқ бўлади. Хира сариқ рангли гуллари

поя учидағи барг құлтиғига жойлашған бўлиб, бурма түпгулни ташкил этган. Гуллари очилғандан сўнг гул ўқи чўзилиб кетади. Меваси – очиладиган құсакча. Мингдевона ёз бўйи гуллайди. Уни барча қисми заҳарли. Гуллаганда илдизолди ва поясидаги баргларини йифиб, сояда қуритилади. Ҳамма қисмидә алкалоидлар, жумладан, гиосциамин, атропин, скоплавинилар бор.

Ибн Сино оғриқ қолдирувчи, қон тўхтатувчи восита, сифатида ишлатган. Барг шираси билан қулоқ, тиш, кўз оғригини, баргидан тайёрланган суртма дориси билан подаграни даволаган.

Халқ табобатида ўсимлик барги оғриқ қолдирувчи, баргидан тайёрланган малҳам, яра, чипқоңларни пишириш учун ҳамда йирингларни тортиб олиш учун ишлатилади. Илмий тиббиётда ўсимликнинг доривор препарати, мингдевона мойи билан бирга оғриқ қолдирувчи восита саналади. Мойини хлороформга аралаштириб, суюқ суртма ҳолда, бод, невралгияда оғриган жойга суртилади. Барги бронхиал касаллиги астмада чекиладиган куқун «астматол» таркибиға киради.

**РЎЯН** (Марена красильная – *Rubia tingitorum*) – бўйи 50-100 см атрофидаги кўп йиллик ўт ўсимлик. Июнь ойида гуллаб, июль-августда пишади. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларидаги далаларда, боғларда, ариқ бўйларида ўсади. Пояси 4 қиррали, бўғинли ва шохланган. Барги ланцетсимон-тухумсимон ёки тухумсимон қисқа банди билан ҳалқасимон жойлашған. Гуллари майда яшил-сариқ рангли бўлиб, барг қўлтиғидан ўсиб



чиққан ярим соябонга түпланиб, рўваксимон гултўпламни ташкил этади. Меваси – қора, думалоқ, сершира ҳўл мева. Илдизини баҳорда ёки кузда ковлаб, тупроқдан тозалаб, сув билан ювиб, очиқ ҳавода қуритилади. Илдизи таркибида антра-гликозидлар, органик кислоталар, қандлар, буёқ ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино рўян илдиздан тайёрланган қайнатма билан жигар ва қоражигар шиши ва бошқа дардларига шифо қилган, сийдик ҳайдашда ишлатган. Асал қўшиб сувда тайёрланган илдиз қайнатмаси билан зеҳнни созлаган. Кўймич нерви яллиғаниши, фалажликни даволаган.

Халқ табобатида рўян илдиздан тайёрланган қайнатма, дамлама буйрак ва ўт йўлидаги тошлиарни туширади. Подагра касалини, сариқни даволайди, сийдикни ҳайдайди. Рўяндан дамлама тайёрлаш учун идишга 1 стакан қайнатиб совутилган сув қуиб, қуритиб майдалангандан илдиздан 1 чой қошиқ солиб, 8 соат дамлангандан сўнг, докада сузиб, илдиз қолдигига яна 1 стакан қайнатиб совутилган сув қуиб, 10 дақиқа қўйилгандан сўнг, ҳар иккала дамламани аралаштириб, кунига 4 маҳал ярим стакандан ичилади.

**САНО** – тиббиётда ўткир баргли сано (Кассия остролистная – *Cassia acutifolia*), тўмтоқ баргли сано (Кассия туполистная – *Cassia obovata*) турлари ишлатилади. Бўйи 1 метргача бўлган ярим бута. ўсимлик ёввойи ҳолда Африка чўл ва ярим чўлларида (Судан, Нубия, Қизил денгиз бўйларида) Арабистоннинг жанубида учрайди. Ўрта Осиёда сано 1 йиллик ўт ўсимлик. Турлари бир-биридан баргчаси ва мевалари шакли билан фарқланади. Пояси шохланган бўлиб, пастки қисмидаги шохлари ерга судралиб ўсади. Барглари жуфт патли мураккаб бўлиб, 4 жуфт баргчалардан ташкил топган. Гуллари сариқ рангда, шингилга тўпланган. Меваси – япалоқ, жигарранг,

кўпуруғли дуккак. Сано турлари барглари ўсимлик гуллагандай иғилади ва соя ерда қуритилади. Меваси пишганда йифиб олинади. Сано турларининг барги таркибида антрогликозидлар, органик кислоталар, изорамратин, кемпферол, флавоноидлар, смолалар, оз миқдорда алкалоидлар, мевасида антрогликозидлар ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино сано турлари баргидан тайёрланган дамлама билан бод, жигар оғриғи, сариқ ва подагра дардини даволаган ҳамда сурига ишлатган. Сано барги дамламасини зубтурум мевасидан олинган шираси ва кашнич барги шираси билан бирга кўшиб, томоқ оғриғида ва томоқ шишларини даволашда чайишга буюрган.

Халқ табобатида сано барги ва мева дамламаси сурги дори сифатида ишлатилади. Сано барги ва мевасидан дамлама тайёрлаш учун 1 стакан қайнабтурган сувга 10-15 гр қуритилган барги ёки мевасидан солиб, 1 соат дамлаб, докада сузиб, ётиш олдидан 1 стакандан ичилади.

Тиббиётда сано баргидан, мевасидан тайёрланган препаратлар дамлама, мураккаб сано дамламаси, Вена ичимлиги, барг кукуни (яхши, зўр) сурги ҳисобланади. Сано барги кукуни сурги таъсирига эга бўлган мураккаб чучукмия кукуни таркибига, шунингдек, баргининг ўзи сурги таъсирига эга бўлгани боис, бавосилда кўлланадиган чой-йифмалар таркибига киради.

**САРИМСОҚПИЁЗ** (Чеснок посевной – *Allium sativum*)  
Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади. Кўп йиллик, пиёзбошиси кўп бўлакли, бўйи 20-70 см гача ётадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсизмон бўлиб, ярмисига қадар барг қини билан ўралган. Барги қиррасимон ёки ясси тарнов-



симон, ўткир учили. Гуллари майда, оқ-яшил, оддий соябонга тўпланган. Меваси – кўсак. Кўпинча мева тугмайди. Июнь-июль ойларида гуллайди. йўсимликнинг пиёзбошиси етилганда ковлаб олиб, қурит-масдан ишлатилади. Пиёзбошиси таркибида эфир мойи, витамин С ва В, фитонцидлар, оз миқдорда йод, аллиин, стеринлар ва бошқа моддалар бор. Аллиин бирикмаси фермент таъсирида кучли бактерицид хоссага эга бўлган аллицин ва бошқа моддаларга парчаланади.

Абу Али ибн Сино саримсоқпиёзни тиш оғриғи, йўтал, меъда ва бошқа дардларни даволашда ҳамда сийдик ҳайдовчи, гижжа туширувчи, аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтирувчи дори сифатида ишлатган.

Илмий тиббиётда саримсоқ пиёзбошисидан тайёрланган препаратлар (настойка, аллилсат, аллифит) атеросклероз, ичак фаолияти заифлашганда ҳамда колит, гипертонияни даволанади. Булардан ташқари, доривор препаратлари буйрак, буйрак-тош дардаларида ва ўпка сили, гинекология амалиётида трихомоналади колъпитда ва острицаларни ўлдиради (клизма қилинади). Саримсоқ шираси аэрозол ҳолида бронхиал астма, сурункали пневмония ва томоқ касалида пуркалади, ингаляция қилинади. Атеросклерозни олдини олиши, даволаши клиникада исботланган.



**САЧРАТҚИ** (Цикорий обыкновенный – *Cichorium intybus*) – бўйи 30-100 смгача бўлган кўп йиллик, ўт ўсимлик. Июнь ойидан кеч кузгача гуллаб, меваси пишади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари далаларида, экинзорларда, борларда, тоғли туманларда бошқа ерларда ўсади.

Сачратқи гулидан, ер устки қисми ҳамда илдизолди тўлбарглари алоҳида, алоҳида йиғиб олиниб, соя ерда

қуритилади. Меваси етилганда, илдизи эрта баҳорда ёки кеч кузда ковлаб олиб, тупроқдан тозалаб, сувда ювиб, майда бўлакларга бўлиб, очиқ ҳавода қуритилади. Илдизи таркибида инулин, интибин, аччиқ гликозидлар, витамин В<sub>1</sub>, қандлар бор. Барги таркибида инулин, витамин С ва бошқа моддалар бор. Сачратқи ўсимлиги сут шираға бой. Сутшира таркибида аччиқ моддалар, тараксастерол, каучук ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Ибн Сино ўсимликни кўнгил озганда, истисқо, кўз яллиғланганда, ич кетганда ишлатган. Сачратқи сутширасини кўзга тушган оққа даво қилган. Қуритмаган илдизини янчиб, илон, чаён, ари чаққан жойга ҳам подагра дардида оғриган бўғинларга боғлашни буюрган.

Халқ табобатида қуритмаган илдизи билан дизентерия ва яллиғанишлар даволанади. Қўп ишлатила-диган ўсимлик. Илдизидан тайёрланган қайнатма иштача очища, овқат ҳазмини яхшилашда, ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмада офтоб урган болалар чўмилитирилади. Сачратқини мойчечак гулига аралаштириб, тайёрланган қайнатмаси жигар, талоқ, буйрак, меъда касалликларида қўлманади. Меваси иситмани пасайтиради. Ўсимлик кулидан баъзан кўзтикан гули билан аралаштириб, қайнатма қориб, гүш, сувчечак, турли яралар, тери касалликларида суртилади.

Илдиздан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиб, устига майдаланган илдиздан 1 чой қошиқ солиб, озоқ қайнатиб 1-2 соат дамлаб, докада сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

Ҳозирда сачратқи гулидан тайёрланган дамламаси марказий асаб тизимини тинчлантириши ва юрак фаолиятини яхшилаши, ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси ич кетишини ва қон оқишини тўхталиши, янчилган илдизи подаграга шифолиги тажрибада аниқланди.



**СОХТАКАШТАН** (Конский каштан – *Aesculus hippocastanum*) бўйи 30 метрга етган дараҳт. Апрель-май ойларида гуллаб, август-сентябрда пишади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида боғларда, истироҳат боғларида, кўчаларда манзарали дараҳт сифатида ўстирилади. Барги йирик, 5-9 тагача бармоқсимон мураккаб баргчалардан ташкил топган бўлиб, поядга узун банди ёрдамида қарама-қарши жойлашган. Баргчаси тескари тухумсимон ёки тескари кенг ланцетсимон, ўткир арасимон қиррали. Гуллари оқ ёки оқ-пушти рангли, шохлари учидаги тик жойлашган шингилга тўпланган.

Меваси – думалоқ, тиканлар билан қопланган кўсак. Мевасида 1-3 тагача шарсимон уруғ бўлади. Сохта каштанинг гули, новдаси, пўстлоғи, меваси йифилади. Мевасидан уруғи ажратиб олинади. Йиғиб олинган пўстлоғи, уруғи очиқда, гули салқинда қуритилади. Ўсимлик пўстлоғи таркибида эскулин, фраксин гликозиди, сапонинлар, ёғ, ошловчи ва бошқа моддалар; гули, баргига руин, flavonoidлар, пектин; уруғига flavonoidлар, сапонинлар, ёғ, крахмал, ошловчи ва бир қанча бошқа моддалар бўлади.

Халқ табобатида ўсимлик пўстлоғидан тайёрланган қайнатма қораталоқ, бавосил, бронхит, бод ва ичак яллигланишидан сўнгги ич кетганда, қон тўхтатишида (айниқса, бачадон) бод, подаграда дори сифатида ишлатилади. Пўстлоғи қайнатмаси эшакем тошганда қўлланади. Уруғи, пўстидан тайёрланган дамлама қон тўхтатишда (айниқса, бачадондан) дори сифатида ишлатилади. Гулидан тайёрланган настойка-

си бод, подаграга даво бўлади. Уруғи кукун ҳолда (айниқса, нафас йўли) шамоллашида қўлланилади.

Пўстлоғидан дамлама тайёрлаш учун идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйиб, устига майдаланган пўстлоғидан 1 чой қошиқ солиб, 8 соат давомида олиб қуйилади. Докада сузиб, 4 маҳал чорак стакандан ичилади. Гулидан настойка тайёрлаш учун, 0,5 литр спирт ёки ароққа 20 гр қуритиб майдаланган гулидан солиб, 2 ҳафта қўйиб, қўйилади. Докада сузиб, оғриқ қолдириш учун терига сурилади.

Пўстлоғидан яна бошқа қайнатма тайёрлаш учун идишга, 1 литр сув қуйиб, устига 50 гр пўстлоғдан солиб, 15 дақиқа қайнатиб, 8 соат дамлаб қўйилади. Сузиб, бавосилда ванна қилишга ишлатилади. Ўсимликдан тайёланган веностезин препарати илмий тиббиётда бавосил, атеросклероз ва тромбофлебитда ишлатилади.

**ТОК** (Виноград культурный – *Vitis vinefera*) – 30 метр узунликда бўлиб, жингалаклари ёрдамида дарахтларга осилиб ўсади. Токнинг тури навлари юртимизнинг ҳамма жойларида кўп экиласди, ёввойи ҳолда ҳам ўсади Тошкент (Оҳангарон дарё бўйларида), Сурхондарё (Тўпалаңг дарё ҳавзаси)да ёввойи ҳолда учрайди. Шохлари қўнғирсариқ рангли ва бўғинли бўлади. Барги юмалоқ ёки буйраксимон, асос қисми ўйилган, ўткир ёки тўқмоқ учли, тишсимон қиррали 3-5 бўлакли, кетма-кет ёхуд панжасимон қирқилган бўлиб, узун банди ёрдамида шохлари кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, рўвакка тўпланган. Меваси – тури шаклда ва рангли, ширин ёки нордон мазали сершоҳ ҳўл мева. Май-июнь ойларида гуллаб, июль-октябрда пишади. Меваси пишганда узилади.



20.5.1952

nomidagi

A12138

O'zbekiston MK

даврларда баҳорда (барги ёзилганда) ёки меваси пишганда йиғиб, соя ерда қуритиб ёки қуритмасдан ишлатилади. Меваси таркибида күп миқдорда қандлар, органик кислоталар, витамин С, В, ошловчи, бүёқ ва бошқа моддалар, уруғида ёғ, ошловчи моддалар бор. Баргида витамин С, В, К, каротин, никотин, фолли кислота, флавоноидлар, катехинлар, ошловчи моддалар мавжуд.

Ибн Сино ток меваси билан буйрак, қовук, ичогриқни даволаган, оғриқ қолдиришга ишлатган. Жингалак баргини бош (күз шишганда) кулоқ, меъда касалликларида ишлатган. Барг шираси билан дизентерияни, поя ва шохларининг кули билан тери дардларини даволаган.

Халқ табобатида ток меваси билан буйрак, қовук, меъда-ичак, юрак, жигар, бавосиқ, подагра касалликлари даволанади. Қувватсизликда, қон оқиши тұхташида, сийдик, ўт ҳайдашда, иштаңа очишида ҳамда пархез овқат сифатида ишлатилади. Ток баргининг дамламаси ёки қайнатмаси билан томоқ оғриганды чайилади, тери хасталықларида тери ювилади. Қуритилган баргининг қукуни бачадондан қон кетганды тұхтатиши учун 2-4 гр дан ичилади. Ток гули, ёш барглари овқат учун ишлатилади.

Илмий тиббиётда ток меваси меъда-ичак касаллигыда (спастик ва атоник қабзиятда, функционал невроз туфайли меъда кислотаси ошиб, моддалар алмашынуви бузилганда, неврозда, камқонликда, сурункали бронхит касалликларида) қулланилади. Ток меваси ўпка сили ва асаб дардлари туфайли дармонсизлик ва ҳаддан ташқари озиб кетишида, организма қувват беришида иштаңа очишида құлланади. Ток мевасининг дори препарати (ампула ҳолидаги) натурозаколлапс күп қон йүқотиши натижасида қон томирлар тоңусининг ўзгаришида ҳамда қон айланишининг бирданиға сусайиши туфайли (шок ҳолаттарда) рұхий ёки жисмоний зарба оқибатида тананинг оғир

шикастланиши каби ҳолларда венага юборилади. Ҳозирда ток баргидан жигар касалида ишлатиладиган (холосас каби) витахол препарати олинган. Холосас сингари ишлатилади.

**ТОМИРДОРИ** (Горец земноводный – *Polygonum amphibium*) – бўйи 1 метргача бўлган кўп йиллик ўт ўсимлик. Июнь-сентябрь сийларида гуллаб, меваси пишади. Тошкент, Андижон, Фарғона, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларининг секин оқар дарёларида, кўлларда, суви қуриётган ариқ бўйларида, сувориладиган экинлар орасида ўсади. Пояси бўгинли шоҳланган. Барги чўзиқ ланцетсимон бўлиб, банди билан поясда кетма-кет ўрнашган. Гуллари тиниқ пушти рангли поя ва шоҳлари учида жойлашган бўлиб, бошоқсимон тўлгулни ташкил этган. Меваси – майда тўқжигар ранг, тухумсимон юмалоқ ёнғоқча. Ўсимликнинг ер остки қисми илдиз, илдиз пояси ҳамда барги йифилади. Ер остки қисми кузда ёки баҳорда ковлаб олиб, сув билан ювиб, йирикларини майдалаб очиқ ҳавода қуритилади. Таркибида органик кислоталар, флавоноидлар, витамин С, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида ер остки қисмидан тайёрланган қайнатма подагра, захм, бод, асаб касалликларида, шунингдек, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Баргидан тайёрланган дамлама буйрак-тош касаллигини даволайди.

Ўсимликдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпила-диган идишга 1,5 стакан сув куйиб, устига 1 чой қошиқ ўсимликни майдалангандан ер остки қисмидан солиб, 10 дақиқа қайнатиб, 2 соат дамлаб қўйилади. Сузиб, юқоридаги дардларни даволашда, овқатдан яrim соат олдин кунда 3 маҳал ичилади.

Ўсимлик баргидан дамлама тайёрлаш учун идишга 1,5 стакан қайнаб турган сув куйиб, устига майдалангандан баргидан 1 чой қошиқ солиб 1 соат дамлаб қўйилади. Докада сузиб, юқоридаги касалликларни

даволаш учун кунига 4 маҳал овқатдан один чорак стакандан ичилади. Ҳозирда ўсимликни сийдик ҳайдаш хусусияти борлиги тажрибада аниқланди.

**ТОҒЖУМРУТ**, итжумрут (Крушина слабительная – *Rhamnus catarthica*) – сершох бута ёки дарахтча. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Самарқанд вилоятлари тоғли туманларининг дарё бўйларида, арчазорларида, ёнғоқзорларда, тоғ қияликларида ўсади. Шоҳчасининг учи тик, барги оддий, эллипссимон ёки юмалоқ тухумсимон, бир оз ўткир учли, майда арасимон қиррали бўлиб, пояди банди билан қарама-қарши ўрнашган. Гуллари майда, кўримсиз, 10-15 таси барг қўлтиғига жойлашиб, ярим соябонни ташкил қиласди. Меваси – 4 хонали серсув данакли мева. Май-июнь ойида гуллаб, июль-августда пишади. Меваси пишганда йифиб, очиқ ҳавода қуритилади. Меваси таркибида анрагликозидлар, қандлар, флавоноидлар, пектин моддалар, уруғи таркибида ёғ, баргида витамин С бор.

Тоғжумрут билан Рус халқ табиблари XVI асрдан бўён саратонни даволаб келишади. Халқ табобатида мевасидан тайёрланган қайнатма билан подагра, сурги, истисқо, сурункали тери касалликлари даволанади.

Мевасидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қуиб, устига 1 ош қошиқ мева солиб, бир оз қайнатиб, 2 соат дамлаб қуиб сўнг докада сузиб, юқоридаги касалликларда уйқудан ярим соат один ярим стакандан ичилади.

Илмий тиббиётда ўсимлик мевасидан олинадиган дори препаратлари (қайнатма, дамлама, қуруқ экстракти) сурги дори сифатида ишлатилади. Ушбу дорилар чой-йифмалар таркибига киради.

**ЭФЕДРА**, тоғ эфедраси (Эфедра хвощевидная, хвойник – *Ephedra equisetina*), чүл эфедраси, чүл қизилчаси (Хвойник средний – *Ephedra intermedia*), оддий эфедра, қизилча, Кузмич ўти (Хвойник двухколосковый – *Ephedra distachia*) турлари бор. Оддий эфедра Қорақалпостоннинг майда тош-тупроқди ерларида ўсади. Бўйи 10-50 см гача бўлган бута ўсимлиқ. Ёз

ойларида эфедранинг яшил ёш новдаларини ўриб олиб, қуритиб ёки қуритмасдан алкалоидлар олиш учун заводларга юборилади. Эфедра турлари новдаларининг таркибида алкалоидлар, витамин С, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Алкалоидлар йифиндисидан эфедрин, псевдоэфедрин алкалоидлари ажратиб олинган. Тоғ ва чүл эфедрасидан олинган алкалоидлар оддий эфедрадан олинмайди.

Халқ табобати тоғ эфедрасининг ёш новдаларидан тайёрланган қайнатмаси қаттиқ шамоллашда, бод, безгак, кутир, меъда яраси ва бошқа касалликларни даволаш учун ишлатилади. Оддий эфедранинг ёш новдаларидан тайёрланган дамлама ва қайнатма бод, нафас йўллари, подаграни, юрак, дизентерия ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Эфедранинг ҳамма турлари заҳарли.

Оддий эфедра ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпилағиган идишга 2 стакан сув қўйиб, усттига эфедранинг қуритиб майданган ер устки қисмидан 1 чой қошиқ солиб, 1 стакан қолгунча 1 соат дамлаб қўйилади. Докада сузиб, кунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади. Эфедра заҳарли бўлганидан қайнатмани кўрсатилган миқдордан ошиқ ичilmайди. Илмий тиббиётда эфедра алкалоидлари гидрохло-



рид тузи оғир жарроҳлик травмалардан сүнгги кўп қон йўқотишда, коллапс ҳолатларда, қон босими пасайган (гипотония)да, бронхиал астма, пичан иситмаси (пичан астмаси)да, миостения, миастения, эшакем тошганда ва бошқа дардларда ишлатилади.

**ҚАРАФС** (Сельдерей пахучий – *Arium graveolens*) – июль ойида гуллаб, август-сентябрда пишади. Бўйи 50 см бўлган кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларнинг суфориладиган ерларида, канал, ариқ бўйларида, кўлмак сув четларида, нам жойларда ўсади. Пояси тик ўсувчи ичи ковак ўрта қисмидан бошлаб шохланган, илдизолди ва поясининг пастки қисми барглари узун бандли, патсимон ажралган. Поясининг юқори қисмлари З бўлакли, қирқилган бўлиб, кетмакет жойлашган. Барг бўлакчалари чўзиқ ёки ланцетсимон. Гуллари майдароқ, рангли, мураккаб соябонга тўпланган. Меваси – юмалоқ шакли писта. Ер остки қисми мева пиша бошлагач ўриб олинса, гуллаганда барги териб олиниб, салқин ерда қуритилади. Илдизини эса кузда ковлаб олиб, тупроқдан тозалаб, сув билан ювиб, очиқ жойда қуритилади. Меваси таркибида эфир мойи, флавоноидлар, ёғлар, баргига эфир мойи, каротин, витамин С, В<sub>1</sub>, апиин гликозиди ва бошқа флавоноидлар бўлади.

Халқ табобатида илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама иштача очиш, овқат ҳазмини яхшилаш, истисқо, сийдик ҳайдаш, ични юмшатиш, буйрак, сийдик пуфаги, бод, тери касалликлари (темиратки, эшакем)ни ва подагра касалини даволашда асқотади. Барги, илдизи дамламаси билан йирингли яралар ювилади. Қуритилмаган баргини ярага куйиб боғланади. Меваси дамламаси иштача очишда, ел ҳайдашда, кўнгил айниганда, ҳиқичноқ тутганда, қийинчалик билан кечган ҳайзда ва астма касалликларида ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1,5 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига қуритилмаган баргидан майдалаб 1 ош қошиқ солиб, 4 соат дамлаб қуйилади. Бир идишга 2 стакан қайнаб совиган сувдан қуйиб устига 1 ош қошиқ мева солиб, 4 соат дамлаб қуйилади-да, докада сузиб, 3-4 маҳал кунига овқатдан ярим соат олдин 1 ош қошиқдан ичилади. Қарафсдан олинган сукапигравеол клиник шароитда сийдик ҳайдаши аниқланди.

**ҚАРИҚИЗ**, Пахмоқ қариқиз (Лопух войлочный – *Arctium tomentosum*) – бўйи 60-100 см гача етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Июль-август ойларида гуллаб, август-сентябрда пишади. Тошкент, Фарғона вилоятдаги далаларда, уй атрофларида, ариқ бўйларида ўсади. Пояси қиррали, тукли, юқори қисми шохланган. Барги йирик (поясининг юқори қисмидагилари майда), оқ, тухумсимон ёки кенг тужумсимон, бир оз ўйилган, тишсимон қиррали, туксиз бўлиб, банди ёрдамида поясда кетма-кет ўрнашиб, гуллари саватчага тўпланган. Меваси – тескари тухумсимон, учма писта. Ўсимликнинг гули, барги, илдизи тайёрланади. Илдизи кузда ковлаб олинib, турпроқдан тозалаб, сув билан ювиб, йўғон илдизини бўлак-чаларга қирқиб, очиқ ҳавода қуритилади. Қариқиз гуллаш даврида барги, гулини йиғиб, салқинда қуритилади. Таркибида инулин, эфир мойи, арктиин гликозиди, флавоноидлар, смола, аччиқ, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Уруғида ёғ, сесквитерпенлар, актоналар мавжуд.



Халқ табобатида илдиз дамламаси, қайнатмаси, настойкаси меъда ярасида, ичакдан қон кетганда, сурункали гастритда, буйрак-тош, бод, подагра дардларида терлатувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида кўлланади. Барги дамламаси меъда, иситма дардларида ишлатилади. Илдизи кукунидан тайёрланган суртма дори подаграда, бод ва тери касалликларида (гуш, учук, чипқон, ҳуснбузар) ва бошқаларда кўлланилади. Бодом ёки зайдун мойи билан ўсимлик илдизидан тайёрланган настойкаси ва гулининг қайнатмаси сараторни даволайди.

Илдизидан дамлама тайёлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиб, устига қуритиб майдаланган илдизидан 1 ош қошиқ солиб, 2 соат дамлаб қуйиб, докада сузиб, кунига 2-4 маҳал 0,5 стакандан илтишиб ичилади. Барги дамламаси ҳам юқоридаги-дек тайёрланади. Фақат 2-3 соат дамлаб, сузиб, кунига 4-6 маҳал овқатдан 1 соат кейин 1 ош қошиқдан ичилади. Илмий тиббиётда қариқиз илдизидан тайёрланган қайнатма ва дамламаси сийдик ҳайдаш учун, мойини соч тўкилишига қарши ишлатиш тавсия этилган.



**ҚОРА СМОРОДИНА**, Қора қат (Смородина чёрная – *Ribes nigrum* – Ўзбекистонда мевали бута сифатида ўстирилади. Бўйи 1-1,5 мгача. Барги панжасимон 3-5 бўлакли.

Пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Гуллари пушти-кўнғир рангли, шингилга тупланган. Меваси – хушбўй, юмалоқ, кўп уруғли ҳўл мева. Май-июнь ойларида гуллаб, июнь-августда пишади. Барги ва меваси йигилади. Қора смородинанинг барги гуллашдан оддин ёки ғуллаганда, меваси пишганида қуритмасдан териб олиниб, барги салқин ерда

куритиб ишлатилади. Ўсимлик барги, мевасини йифиб, салқын ерда қуритилади. Барги гуллашгача ёки гуллаганда, меваси пишганда йифиб, баргини салқында қуритиб, меваси қуритилмасдан ишлатилади. Барги таркибида витамин С, эфир мойи ва бошқа моддалар, мевасида эса витамин С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, К, каротин, қандлар, органик кислоталар, флавоноидлар, антоцианлар, эфир мойи, пектин, ошловчи моддалар бор.

Халқ табобатида ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама, қайнатнамаси қон босими ошганда, буйрак, бод, тери касалликларида ҳамда терлатувчи, булардан ташқари, барг ва ёш новдаларидан тайёрланган қайнатмасида тери сили, ширинча ва диатез билан оғриган болалар чўмилтиради. Меваси, қуритилмаган меваси ёки қайнатмаси юрак, буйрак, меъда (ич кетганда) сийдик ҳайдовчи, терлатувчи ва асаб касалликларида дори воситаси сифатида ишлатилади. Мева шираси, қайнатмаси ва ундан тайёрланган кисель юрак фаолиятини кучайтирувчи восита бўлиб, меъда ярасини даволаш учун қўлланади. Барг дамламаси билан подагра ва бод касалликларини даволанади.

Баргидан дамлама тайёрлаш учун бир идишга 2 стакан қайнаб турган сув қўйиб, устига 1 ош қошиқ майдалангандан барг солиб, бир неча соат дамлаб, докада сузиб, юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун 4-5 маҳал ярим стакандан ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қўйиб, устига мевасидан 1 ош қошиқ солиб 1-2 соат дамлаб, сўнг докада сузиб, кунига 2-3 маҳал шакар қўшиб, 0,5 стакандан ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қўйиб, устига мевасидан 2 ош қошиқ солиб 40 дақиқа дамлаб қўйиб, сўнг докада сузиб, ярим стакандан овқатдан олдин ичилади.

Оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан сув қўйиб, устига 20 гр мевадан солиб, 0,5 соат қайнатилади. Сову-

гандан сўнг докада сузаб ичилса, ич кетишини тұхтатиб, сийдикни ҳайдайды. Илмий тибиётда дори препаралари (дамлама, қайнатма) билан цинга, авитаминозлар даволанади. Барги, меваси витаминалы йифма-чойлар таркибиға киради.




**ҚОРА ТЕРАК** (Тополь чёрный – *Populus nigra*) – бўйи 25 метрли дараҳт. Март-апрелда гуллаб, меваси етилади. Диёrimизнинг барча вилоятлари кўчаларида, боғларда, паркларда манзарали дараҳт сифатида ўстирилади. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ёввойи ҳолда учрайди. Йўғон танали хира қулранг пўстлоқ билан қопланган. Барг куртаклари чўзиқ тухумсимон, ўткир учли ёпишқоқ бўлади.

Барги учбурчак, майда, арасимон қиррали бўлиб, узун банди билан шоҳларида кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, бир жинсли кучалага тўпланган. Меваси – кўпуругли пишганда 2-4 паллага бўлинган кўсакча. Барг куртаги эрта баҳорда барги чиқмасдан олдин йифиб, салқин ерда қуритилади. Куртаги таркибида эфир мойи, смола, органик кислоталар, гликозидлар, ошловчи, бўёқ ва аччиқ моддалар бор.

Абу Али ибн Сино барг куртагидан сирка билан тайёрланган настойкасини подагра касалига оғриган бўғинга суртиб даволаган.


Халқ табобатида барги куртагидан тайёрланган дамлама иситма туширувчи, юрак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари барг куртагидан тайёрланган суртма дори, дамлама куйган тери, бод, бавосил ҳамда подаграни даволашда қўлланади.

**ҚУШҚҮНМАС** (Волчец кудрявый, Волчец благословенный – *Spicus benedictus*) – бўйи 15-30 см ли сариқгулли, бир йиллик ўт ўсимлик. Май-июн ойларида гуллаб, меваси июнь-июлда пишади. Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё тоф этакларида, йўл ёқаларида, уйлар атрофига ўсади. Пояси сертук, асос қисмидан бошлаб шоҳланган. Идизолди тўпбарглари бандли, чўзиқ, ланцетсимон ва учбурчак ланцетсимон, бўлаклари патсимон қирқилган бўлиб, ён томонлари тишсимон тиканлар билан қопланган. Поясининг пастки қисмидаги барглари идизолди баргларига ўхшаш. Поясининг юқори қисмидаги барглари ланцетсимон, тиканли. Тишлари бўлакларга патсимон бўлинган бўлиб, пояда бандсиз, кетма-кет ўрнашган. Сариқ рангли гуллари саватчага тўпланган. Меваси – кўнғир рангли, цилиндрсимон, учмали писта. Май-июн ойларида гуллаб, июнь-июлда пишади. Ер устки қисми таркибида мениантин ва кницин аччиқ гликозидлари, витамин С, олма кислота, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.




Халқ табобатида ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма нафас йўли ялиғланишида меъда-ичак иши заифлашганда, ҳазм сусайганда, буйрак сийдик йўлари, сариқ, ўзгариб турадиган иситма, кустирувчи ҳамда подагра дардини даволовчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимлик билан эркакларнинг қовуқ ости саратонини қадимдан даволанади. Бунинг учун беморга ҳар куни ўсимликнинг ер устки қисмидан майдаланиб, 1-2 гр истеъмолга буюрилади.

Илмий тиббиётда ўсимликнинг препаратлари (дамламаси, суюқ экстракти) иштача очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади.



**ШОЛГОМ** (Репа) – буттудошлиар оиласига кира-диган икки йиллик илдизмевали сабзавот. Биринчи йили барг ва илдизи, иккинчи йили эса тана гули уруғ ҳосиля қиласади. Гули 4 бўлакли бўлиб, шингилсимон тўпгулга йифилган. Поясининг юқори қисмидаги барглари бандсиз жойдашган. Меваси – думалоқ, япасқи, оқ-қизил ва бинафша рангли бўлади. Уруғлари думалоқ. Майда барглари затъфарон, яшил рангли. Усти ўсимталар билан қопланган. Унинг уругини оғриган ёки бирон аъзога қўйиб боғланса, оғриқни қолдиради, елни ҳайдайди чот оралиғидаги шишларни даволайди. Сув ва туз билан қайнатилганда озиқлик қиймати кам бўлади. Семиз гўшт билан қайнатиб, истеъмол қилингани яхши бўлади. Кўкрак, томоқ юмшайди, буйракни қиздиради ҳамда секин ҳазм бўлади. Меъдада узоқ вақт қолиб кетади. Гўшт билан қайнатилгани белни қиздиради. Шолғомни пишириб ёки хом ейилса, кўз нурини оширади қувват бағишлайди. Шолғом қайнатмасини подаграга қўйиб даволанади.



**ТУРП** (Редька обыкновенная – *Raphanus sativus*) – турп сабзавот ўсимлиги бўлиб, диёримизнинг ҳамма вилоятларида ўстирилади. Икки йиллик, бўйи 80 см гача бўлган ҳамда илдизмеваси йўғон бўлади. Пояси тик ўсуви, шохланган, туксиз ёки сийрак тукли. Поясинг томонидаги барглари лирасимон-патсимон қирқилган, юқори томондагилари эса бутун, юмалоқ ёки чўзиқ бўлади. Барги пояда кетмакет ўрнашган. Гуллари оқ рангда, шингилга тўпланган. Меваси – кўзок. Апрел-май ойларида гуллаб, меваси май-июнда етилади. Илдизмеваси қазиб олиниб,

баргидан ажратилади, тупроқдан тозалаб, махсус ерда сақланади. Илдизмева таркибида қандлар, гликозидлар, бактерицид модда – лизоцим, фитонцидлар, эфир мойи, холин, каротин, витамин С, В, РР, кристал ҳолдаги рафанол, гистидин, ферментлар, күп миқдорда калий тузлари ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табобатида турп ширасини күйіттал касалмиди, үпка шамоллаганда (балғам күчирувчи дори сифатида ва қон тупирғанда истеъмол қилип буюрилади, меваси иштаңа очади, меъда ширасини күпайтиради, овқат җазм қилишни яхшилайды. Шираси кучли антисептик ҳам. Турп илдизмеваси меъда-ичак яраси бор, меъданинг кислоталиги ошган, буйрак ва жигар касалмиклари бор беморлар истеъмол қиласликлари керак. Турп шираси жигар ва ўт пуфаги дардларида ўт ҳайдовчи, буйрак ва сийдик дардларида сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Ширага баробар миқдорда асалми, шакар күшиб аралаштириб, кунига 3-4 ош қошиқдан нафас йұллари ямғланғанда, бронхитда ва үпка сили дардларида балғам күчирувчи восита сифатида ҳамда йұтални тұхтатиш учун истеъмол қилинади. Турп ширасидан 3 қисм олиб унга 2 қисм асал 1 қисм ароқ ва озроқ (1 литр аралашмага 2 ош қошиқ) туз күшиб аралаштирилади. Бу аралашмани бод, невралгия, радикулит, ишиас, миозит ва подагра касалларыда танани оғриган жойига суртилади.

**ҚАЙИН** (Берёза бородавчатая – *Betula verrucosa*) – оқ қайнин Тошкент вилоятидаги тоғ қияликларида ва водийларда үсади. Манзаралы дараҳт сифатида шаҳар күчаларида, бояларда үстирилади. Қайнин оқ пүстлоқлы, бўйи 10-20 м га етадиган дараҳт. Барги учбурчак ромбсимон ёки юраксимон, ўткиручли, кўштишили



қиррали бўлиб, пояди банди билан кетма-кет ўрнашган. Шохчалари ва барглари хушбўй смолали безлар ёки сўгалчалар билан қопланган. Гуллари 1 жинсли, кучалага тўпланган. Меваси – ёнгоқча. Апрель-май ойларида гуллаб, август-октябрда пишади. Қайнин дараҳтининг барги ва куртаги йифилади. Ҳамда қора мой (катрондёготь дараҳт шираси) олинади. Куртаги бўртиб чиқдан вақтида эрта баҳорда йифилади. Куртаги билан кесиб олинган шохчаларини совукроқ ерда қуритиб (иссиқда очилиб қолади) олинади. Куртаклар қуригандан кейин қоқиб ёки териб олинади. Барги қайнин гуллаганида йифиб, соя ерда қуритилади. Қайнин дараҳти қора мойини поянни ҳайдаш усули билан, ширасини эса эрта баҳорда пўстлоғини қирқиш билан олинади. Битта дараҳтдан 30-60 литргача олиш мумкин.

Куртаги ва барги таркибида витамин С, флавононидлар, эфир мойи, сапонинилар, смолалар, ошловчи, буёқ ва бошқа моддалар, қора мойида феноллар эфир мойи ва бошқа бирикмалар бор. Дараҳт шираси қандлар, олма ва бошқа кислоталар, ароматик ва турли бирикмаларга анча бой бўлади.

Халқ табобатида ундан тайёрланган дамлама сийдик ҳайдовчи дори куртак дамламаси ва настойкаси (спирт ҳам винода тайёрланган) меъда оғриги ва шамоллаш касалликларида ҳам сийдик ҳайдовчи (бод дардида ва бўғинлар оғригига суртишга) дори сифатида қўлланади. Шираси яралардан кейинги камқонликда кўп чипқон чиқишидан қувватсизланганда дармон берувчи, томоқ оғригига ҳамда яраларни даволовчи дори сифатида ичилади, куртагидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга ярим стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 1 чой қошиқ куртак солиб, бир соат дамлаб қуйиб, сузиб, ҳаммасини бир кунда тенг қисмга бўлиб ичилади.

Баргидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 1 стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига 20 гр майдаланган баргдан солиб, б соат қуйиб, қуйила-ди-да, сузиб, иккига бўлиб, ҳар 4 соатда ичилади. Кур-

такдан настойка тайёrlаш учун 0,5 литр спиртга ёки ароққа 15 гр куртак солиб, 1 неча соат дамлаб, қуиib, сузиb, настойкадан кунига 2-3 маjал сувга 15-20 томчи томизиb ичилади.

Илмий тиббиётда қайин дарахти барги ва куртаги-нинг доривор препаратлари сийдик ҳайдовчи дори, барги авитаминоз ва гиповитаминоз касалликларида, куртак препаратлари ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Куртакдан тайёrlанган настойка гуш (экзема)га даво қилинади.

## ХУЛОСА

Доривор ўсимликларнинг тайёрлаш усуларини, ишлатилишини, меъёрини, сақланишини билиш дегани улардан ҳар ким ўз билганча фойдаланаверади ёки қўллайверади, дегани эмас. Доривор ўсимликнинг қайси қисми ишлатилишидан қатъи назар, мутахассис шифокор билан маслаҳатлашиб, тегишли кўрсатмаларга амал қилиб фойдаланиш мумкин. Қўлингиздаги ўсимлик, сиз истаган ўсимликми, муддати борми-йўқми, яроқлими, албатта, билиш учун доришуносга, мутахассисга кўрсатиш зарур бўлади. Баъзи ҳолларда танланган ўсимлик ўрнида бошқа бир ўсимликни ишлатиб, кўнгилсиз воқеаларга дучор бўлганлар учраб туради. Шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дамлама, қайнатма, настойка каби табиий дори турларини кўрсатилган миқдордан ортиқча ичмаслик керак. Доривор гиёҳларни йиғиша әҳтиёткорлик чоралари кўрилиши шарт. Чунки заҳарлилари учраб туради. Рисолада ҳар бир ўсимликни қайси қисми заҳарли ёки ўсимлик заҳарли-заҳарли эмаслиги ҳақида айтиб ўтилган. Ўсимликни билиб, билмай татиб кўриш мумкин эмас. Акс ҳолда заҳарланиб қолиш мумкин. Ҳар қандай ўсимликнинг зарур қисмлари йиғилгандан сўнг, қўлни совунлаб ювиш зарур. Тўпламда доривор ўсимликлардан айрим дори турларини тайёрлаш усуллари ва қайси дардларда ишлатилиши (дамлама, қайнатма, настойка ва бошқалар) хусусида ҳам баҳоли кудрат билдиришга ҳаракат қилдик.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Абуллаев Ш.В., Ҳакимова Н., Супижанова С.Ж. Доривор неъматлар ва улардан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. Фарғона нашриёти, 1999.
2. Холматов Х.Х., Ҳабибов З.Х., Олимхўжаева Н.З. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Ибн Сино номидаги нашриёт. Тошкент, 1991.
3. Умархон Аҳмад Малҳамий. Шифобахш доривор ўсимликлар. Тошкент, Турон замин зиё нашриёти. 2013.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
ДАРДИНГИЗГА ШИФО БҮЛАДИ .....	5
ПОДАГРА КАСАЛЛИГИДА ҚҰЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ҮСИМЛИКЛАР	
Арпа .....	7
Ёбвойи пиёз .....	7
Ерқалампир .....	7
Лимон .....	8
Мажнунтол .....	9
Мингдевона .....	9
Рўян .....	10
Сано .....	11
Саримсоқниёз .....	12
Сачратқи .....	13
Сохта капитан .....	14
Ток .....	16
Томирдори .....	17
Тоғжумрут .....	18
Эфедра .....	19
Қарафс .....	20
Қариқиз .....	21
Қора смородина .....	22
Қора терак .....	24
Күшкүнмас .....	24
Шолғом .....	25
Турп .....	26
Қайин .....	27
ХУЛОСА .....	29
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	30

*Тиббий-маърифий нашр*

**УМАРХОН АҲМАД МАЛҲАМИЙ**

**ПОДАГРА КАСАЛЛИГИДА  
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН  
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР**

Муҳаррир  
Феруза ҚУВОНОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИХОВ

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

200000

Босишига 11.09.2013 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Гарнитура «Bookman Сур+Узб». Офсет қофоз.

Босма тобоги 1,0. Шартли босма тобоги 1,68.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 222.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 273-62-71; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru